лакатимиз фуқаролари, балки МДХ мам-лакатларидаги фуқаролар ва спортчи-ларда ҳам катта қизиқиш уйғотди. Мах-лакатимиз спортчиларининг Сидней Олимпиадасидан битта олтин, битта ку-муш, иккита бронза медали билан қай-ганини хали ҳеч ким унутгани йўқ. Ўзбек йигити Мухаммадқодир Абдулаевнинг Олимпиада чемпиони деган юксак номға мушарраф бўлиши миллатдошларимиз-ға чексиз гурур бағишлади. Президент-нинг Олимпиада иштирокчиларини қабул қилиб, уларни самимий ва ота-ларча қутлар экан, Мухаммадқодир Аб-дулаевни ҳақиқий қаҳрамон, деб ата-ди.

Мустақиллиқни англаш ўзлгимизни англашдан бошланади. Шундай экан, ўтмишимизни асл ҳолиға тасаввур қилиш, ота-бобларимиз хотирасиға юксак эътиром қуратиш маънавий со-ҳадаги асосий вазифаларимиз сираси-ға қиради. Бу борада мустақиллик йил-ларида жуда кўп амалий ишлар қилин-ди. 2000 йилда яна бир муқаддас ман-зилгоҳ — Юнусобод туманида «Шаҳид-лар хотираси» ёдгорлик мажмуи қад ро-стлади. Унинг очилишида мамлақати-миз раҳбари нутқ сўзлади, ош торти-



Қурилиш ва миллий хунармандчилик коллежи миллий қадриятларимиздан сабоқ беради.



Шаҳидлар хотираси — муқаддас.



Ислохот қирралари: тажриба, изланиш

Бир қўшим бор. Дунё бўйлаб саёҳат қилишни яхши кўради. Хар бир нарсага ўз мезони билан қарайди. Яқинда гап орасида шундай деб қолди:
— Бегона мамлакатда ўз юртининг гиёҳи ҳам кўзга оловдай кўринаркан. Ха, ишонверинг. Бир сафар Германиядаги меҳмонхоналардан бирида турганимда, галати ҳолатнинг гувоҳи бўлдим, денг. Ақл бовар қилмайди. Душ қабул қилаётгандим, патли гулдор сочқ эътиборимни тортиди. Ёрлиғига қарайдим: «Ўзбекистонда тайёрланган». Рост гап, юрагим ҳаприкиб, галати бўлиб кетдим ва сочқини юзимга босиб... йиғладим. Суриштирсам, Бухоро тўқимачилик корхонаси Европадаги ана шу мамлакатга ўз маҳсулотларини экспорт қилар экан...

«Бухоротекс»: Замонга монанд корхона

Кўшимнинг ҳажоини тушуниш мумкин эди. Мен унинг ҳикоясини эшитиб, тўғриси, унчалик ажабланмадим. Нега дейсизми? Сабаби оддий: «Бухоротекс» ҳисдорлик жамияти вилоятдаги мавжуд 64 та саноат корхонаси орасида ўзининг экспорт салоҳияти ва иқтисодий имкониятлари билан ажралиб туриши бугун ҳеч кимга сир эмас. 1974 йилда ўз фаолиятини бошлаган ушбу корхонада касбига меҳр қўлган, фидойи замонашларимиз кўпчиликни ташкил этади. Уларнинг савий-ҳаракати тўғрисида бир кеча-кундузда 100-120 тонна пахта толаси қайта шиланиб, 50 хилдан зиёд тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётганини эътиборга олиш керак. Ушбу рақамлар замирида, билсангиз, бунёдкорона меҳнат ва ташаббускорлик ётибди. Зеро, тўқувчилик касбининг захматини ширин уйқудан кечиб, эл бойлиғига бойлик қўшаётганлар айтади, эртаю кеч тил оқда туриб, тилсиз дастгоҳларга қалб меҳри ва ҳароратини бахшида эътиборларини айтиш...

ли миллатта мансуб 9 мингдан зиёд киши меҳнат қилади. Уларнинг турмуши, маънавий шарт-шароити, ижтимоий муҳофазаси кундалик эътиборда. Уртача маош 205-30 минг сўмини ташкил этапти. Иш миқдори ва сифати қараб, моддий рағбатлантириш йўлга қўйилган. Уттан йили жамоа аъзолари — ҳисдорларга 500 млн. сўмдан зиёд дивиденд тарқатилди.
Бизда молиявий интизом масаласи қаттиқ, — дейди ҳисдорлик жамияти раиси Ш. Довуров. — Етказиб берилган маҳсулот учун олдиндан пул утқазмиш тартибинан қўйилган. Шу боис дебиторлик ва кредиткорлик қарзлари кескин камаймоқда. Агар Вобкент, Олот, Қорақўл йнгирув-тўқув фабрикаларини ҳам қўшиб ҳисоблайдиган бўлсак, ҳозир «Бухоротекс» тизимида 12,5 минг киши меҳнат қилапти. Унингиз йили: ана шундай улкан жамоани доимий иш ва маблаг билан таъминлашнинг ўзи бўладими? Демак, ҳамма нарсани олдиндан ҳисобга эйтишда жамоа ўртасида қарор топган соғлом муҳит, ақиллик, ижодий изланиш кўл келмоқда. Бу ерда тур-

Хисдорлик жамиятининг бош корхонаси таркибиде 4 та фабрика мавжуд. Таъбир жоиз бўлса, улар яхлит занжирнинг узвий ҳалқаларидир. 1-йигирув-тўқув фабрикасини йирик жамоанинг уриб турган юрагига қиёсласа бўлади. Ҳозир бу ерда 3600 киши меҳнат қилмоқда. Иш уч сменада ташкил этилган. Дастгоҳлар гувуллаб турган кенг залга қадам қўрқанимиз, баланд шифтда сузиб юрган оқ «тутун» диққатимизни тортиди.
— Анави нима, чанг-ғуборми?
— Йўқ, буг, — дея изоҳ берди фабрика директори Қ.Хасанов. — Махсус ускуналар ёрдамида юқоридан иссиқ буг пурақаб турилади. Пишиқ ва сифатли тола йиғирини учун бу жуда муҳим. Ҳаво ҳарорати кишин-ёзин муътадил сақланади-да.
Фабрикада эртаю кеч жўшқин ҳаёт ҳукмрон. Ҳар кимнинг вазифаси аниқ. Дарвоқе, донгдор тўқувчи, Ўзбекистон Қарамони Мартия Раҳматов ва ҳам ушбу жамоада меҳнат қилади. Унинг изидан бораётган Нигора Ҳакимова, Шоҳсанам Рўзиева, Азима Латипова, Муҳаррам Саидова каби чеवरларнинг гайратига таъриф йўқ. Шу тўғрисида фабрикада ҳар ой 3-3,5 млн. квадрат метр газлама, 1,5-2 млн. дон патли сочқ ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга пешима-пеш етказиб берилмоқда.
Хуллас, «Бухоротекс» очқ ҳисдорлик жамияти фаолиятида тилга олса арзийдиган жиҳатлар кўп. Бугунги кунда у тармоқдаги йирик, замонавий ишлаб чиқариш корхоналаридан бирига айланган, тўқимачилар иқтисодий мустақиллик йўлидан бориб, замона ҳамоҳанг қадам ташлашга нитилишадигани, аиникса, қувончлидир.

Носир ТОШЕВ, «Жалқ сўзи» мухбири.
Шифақатсиз ўлим Ўзбекистон халқ шоири, Олий Мажлис депутаты, ёрқин истеъод эгаси Муҳаммад Юсуф (Муҳаммадjon Юсуфов) ни орамиздан бевақт олиб кетди.
Муҳаммад Юсуф 1954 йили Андижон вилояти Марҳамат туманидаги Қовунчи қишлоғида деҳқон оиласида туғилди.
У 1971 йилда ўрта мактабни битириб, Республика рус тили ва адабиёти институтида таҳсил олди. Ўзбекистон китобхоналар жамиятида муҳаррир, «Тошкент оқшоми» газетасида мухбир, Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида муҳаррир, «Ўзбекистон овози» газетасида мухбир, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигида бош муҳаррир ўринбосари, шунингдек, «Тафаккур» журналида бўлим мудир лавозимларида самарали меҳнат қилди.
1996-1997 йиллари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи бўлиб ишлади. 1997 йилдан буён Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатиб келаётган эди.
Муҳаммад Юсуфнинг йиғирма йиллик қизғин ижодий фаолияти мобайнида эълон қилинган «Таниш терактлар», «Ишқ кемаси», «Кўнглимда бир ёр», «Эрка кийик», «Узингдан қўймасин, халқим»



каби шеърый тўпламлари ва қатор дostonлари адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин олди. Истеъодли шоир, аиникса, қўшқчилик санъати ривожига катта ҳисса қўшди.
Шу йил шоирнинг «Сайланма асарлар» мажмуаси нашр этилган эди.
Ҳассос шоирнинг истиклолимизга салоқат, Ватанга муҳаббат туйғуларини юксак бадиий маҳорат билан тараннум этувчи кўплаб асарлари адабиёт мухлислари, бутун халқимиз қалбидан жой олган эди.
Муҳаммад Юсуфнинг ўзбек адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. У 1996 йилда «Дўстлик» ордени, 1998 йилда «Ўзбекистон халқ шоири» фахрий унвони билан мукофотланган эди.
Мустақиллигимизнинг жўшқин ва тоғмас куйичиси, ноёб истеъод эгаси, ёш ижодкорларнинг меҳрибон мураббийси, жамоат арбоби Муҳаммад Юсуфнинг хотираси қалбларимизда ҳамيشа сақланиб қолади.

МУҲАММАД ЮСУФ

И.КАРИМОВ, Э.ХАЛИЛОВ, Ҳ.СУЛТОНОВ, Х.СУЛТОНОВ, Ҳ.КАРОМАТОВ, Қ.ОБИДОВ, А.ОРИПОВ, Х.ЖУРАЕВ, Р.АБДУЛЛАЕВ, Сидд АХМАД, Э.ВОҲИДОВ, Ю.УСМОНОВА.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ, МАРҲАМАТ ТУМАНИ УМРЗОҚ ҚОРАБОВ ШИРКАТ ХЎЖАЛИГИ, ҚОВУНЧИ ҚИШЛОҒИ ЭНАХОН АЯ СОТИБОЛДИЕВАГА

Мухтарома Энахон ая! Бошингизга тушган оғир мусибат — азиз фарзандингиз, халқимизнинг ардоқли шоири Муҳаммад Юсуфнинг бевақт ўлим муносабати билан Сизга, оила аъзоларингизга, барча яқинларингизга чуқур ҳамдардлик билдираман.
Ўзгиз Муҳаммадjon ноёб истеъод эгаси, одамларга меҳрибон, софдил, мард ва қамтарин инсон эди. Шу боис бу муҳаббат хабар шоирнинг кўплаб дўстлари ва мухлислари каби менинг ҳам қалбимни ларзага солди.
Унинг ёрқин хотираси барчамизнинг қалбимизда доимо сақланади. Сизга Яратганимиздан сабр-тоқат ва бардош тилайман.

Ислом КАРИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти.

ДИККАТ! ДИККАТ! ДИККАТ!
РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС-МУЛК БИРЖАСИ
ХОРИЖИЙ САРМОЯДОРЛАРНИ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ
Хурматли хорижлик ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!
Савдолар 2001 йил 4, 9, 17, 24 сентябр кунлари соат 11.00да республика Биржалар маркази биносиде ўтказилади.
Савдоларга чет эл инвесторларига эркин мўломададаги валютга сотиладиган қуйидаги автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станциялари ва кўчмас мулк объектлари кўйилади:
1. Тошкент шаҳри, А. Икромов тумани, Уриқзор массивида жойлашган 1-сонли автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияси. Бошланғич баҳоси — 313 448,8 АҚШ доллари.
2. Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Геофизика кўрғониде жойлашган 2-сонли автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияси. Бошланғич баҳоси — 400 309,2 АҚШ доллари.
3. Тошкент шаҳри, Юнусобод туманида жойлашган автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияси. Бошланғич баҳоси — 296 666,5 АҚШ доллари.
4. Тошкент шаҳри, Юнусобод туманида жойлашган 10-дахсида жойлашган 4-сонли автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияси. Бошланғич баҳоси — 381 250,8 АҚШ доллари.
5. Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Байтўғрон кўрғониде жойлашган автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияси. Бошланғич баҳоси — 234 174,9 АҚШ доллари.
6. Сирдарё вилояти, Янгиер шаҳри, Керамический кўрғониде жойлашган автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияси. Бошланғич баҳоси — 289 993,5 АҚШ доллари.
7. Сирдарё вилояти, Сирдарё шаҳри, Туркистон кўчаси, 1-уйда жойлашган автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияси. Бошланғич баҳоси — 287 730,5 АҚШ доллари.
8. Фарғона шаҳри, Кува шоссесиде жойлашган автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияси. Бошланғич баҳоси — 286 724,1 АҚШ доллари.
9. Қарши шаҳри, Бешкент шоссесиде жойлашган 1-сонли автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияси. Бошланғич баҳоси — 251 783,6 АҚШ доллари.
10. Қарши шаҳрида жойлашган 2-сонли автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияси. Бошланғич баҳоси — 247 064,2 АҚШ доллари.
11. Сурхондарё вилояти, Шеробод шаҳри, Қодиров номидаги жамоа хўжалиғиде жойлашган автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияси. Бошланғич баҳоси — 306 267,6 АҚШ доллари.
12. Қорақалпоғистон Республикаси, Қўнғирот шаҳри, С. Ермагамбетова кўчасиде жойлашган автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияси. Бошланғич баҳоси — 285 555,4 АҚШ доллари.
13. Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Охунбойев кўчаси, 25-уйда жойлашган «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясига қарашли Стомподиклиника биноси ва мулки. Бошланғич баҳоси — 300,0 минг АҚШ доллари.
14. Тошкент вилояти, Бустонлик туманида жойлашган «Ходжикент» пансионати. Бошланғич баҳоси — 1042,5 минг АҚШ доллари.
15. Бухоро шаҳрида жойлашган «Ўзбектуризм» компаниясига қарашли «Варахша» меҳмонхонасининг бир қисми (низом ҳамгармасининг 75 фоизи). Бошланғич баҳоси — 395739 АҚШ доллари.
Ушбу объектларга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин. Ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Имкониятингизни бой берманг. Аризаларни қабул қилиш савдо бошланғичи 1 соат қолганида тўхтайтилади.
Маълимат: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44-хона, республика Кўчмас мулк биржаси.
Маълимат учун телефонлар: 136-26-26, 136-28-75, факс 136-06-17.

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ
«ПАХТА БАНК»
ЎЗ АКЦИЯДОРЛАРИ ВА МИЖОЗЛАРИНИ, БУГУН ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ РЕСПУБЛИКАМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИК БАЙРАМИ БИЛАН ТАБРИКЛАЙДИ!
Жисмоний шахслар учун тақдим этувчи номинал қиймати 1000, 5000 ва 10000 сўм бўлган юқори даромадли омонат депозит сертификатларини тақлиф этади.
Ушбу омонат депозит сертификатлари бўйича 3 ойлик муддатга — йиллик 40 фоиз ҳамда 6 ойлик муддатга — йиллик 42 фоиз ҳисобидан ҳар ойда даромад тўланади.
Шунингдек, ҳукумат қарори билан омонат депозит сертификатлардан оладиган даромадингиз солиқдан озод этилганини маълум қиламиз!
Сиз ушбу омонат депозит сертификатларини шу йилнинг 1 августидан бошлаб «Пахта банк»нинг истаган филиалдан сотиб олишингиз ҳамда маблагингизни ишончли ва юқори даромадли мабзада айлантиришингиз мумкин.
Тўлиқ маълумот олиш учун «Пахта банк»нинг истаган филиалига ҳамда қуйидаги телефонлар орқали мурожаат этишингиз мумкин: 78-10-94, 173-25-51.
«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

Чет эл технологияси ва хомашёсидан лак-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи
«Лок колор ситтез»
КЎШМА КОРХОНАСИ
Байрамолди чегирмалари билан кенг ассортиментдаги маҳсулотларни тақлиф этади:
ҚУРИЛИШ ЭХТИЁЖЛАРИ УЧУН:
✓ Уй ичларини бўяш учун акрил вододисперсион бўёқлари.
✓ Ташқи деворлар учун бўёқлар.
✓ Алкид эмаллари.
✓ Полларни бўяш учун эмаллар.
✓ Ёғоч ва бўялган юзаларни қоплаш учун лаклар.
✓ Акрилат эмаллари.
✓ Грунтовка ва шпатлевкалар.
✓ L 80, 100, 120 мм. ли михлар.
✓ Эмульсия олими.
✓ Силикат олими.
САНОАТ ЭХТИЁЖЛАРИ УЧУН:
✓ Универсал алкид бўёқлари.
✓ Универсал алкид лаклари.
✓ Алкид-уретан эмаллари.
✓ Акрилат эмаллари.
✓ Грунтовка ва шпатлевкалар.
Манзил: Ўзбекистон, 700005, Тошкент ш., Фарғона йўли к., 35.
Тел.: (99871) 1914741, 1918094. Факс: (99871) 1917443.
E-mail: lokcolor@online.ru.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 31 июлдан бошлаб валютга операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, бошқона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:
1 Австралия доллари 203,73
1 Австралия шиллинги 25,63
1 Андия фунт стерлинги 573,77
10 Бельгия франки 87,43
1 Голландия гульдени 160,05
10 Греция драхмаси 10,36
1 Дания кронаси 47,40
1 БАА дирҳами 109,80
1 АҚШ доллари 403,27
1 Миср фунти 102,39
10 Испания песети 21,20
1 Канада доллари 263,27
1 Ҳитой юани 48,72
10 Люксембург франки 87,43
1 Малайзия ринггити 106,14
1 Германия маркиси 180,33
1 Польша злотийси 95,73
1 СРП 0,21
1000 Туркия лираси 506,91
1 Финляндия маркиси 59,32
1 Франция франки 53,77
1 Швейцария франки 234,05
1 ЕВРО 352,70
10 Жапоний Корея вони 3,10
10 Япона иенаси 32,34
1 Россия рубли 13,79
1 Украина гривнаси 75,28

Замондошларимиз ҳақида ҳикоялар

Шифохонага ўлим-ни кўргани кетган. Иулловчилар кундалик машғулоти билан банд: кимдир газета ўқияпти, кимдир оғайниси билан гаплашапти, кимдир ўйга чўмган, яна кимдир пинакка кетган...

Яна бир қанчаси номзодлик иши устида ишламоқда. Тигиз, яъни этни ёрмасдан суякларни ўрнига қўйиб доравлаш усулини республикамизда биринчилардан бўлиб ишлаб чиққан ва амалиётда қўллаган. Хуллас, ўнлаб илмий китоблар, 70 дан орტიқ тиббиётдаги янгиликлар муаллифи, зўр шифокорлардан

нинг жароҳати ҳақида кўнглими кўтарайдиган гаплар айтади: — Э, ҳеч нарса эмас. Индия аппарат қўйишда, беш-ун кунда отдай бўлиб кетади. Хавотирланманг? Менам болалигимда шўх бўлганман. Икки марта

Танловнинг биринчи шартини: мутахассиснинг ёши ўттиздан ошмаслиги керак! Ёшларни яхши кўраман. Зўр-да, бари бир ёшлар! Янгилик десангиз томдан ташлашали! «Хўш, азизларим, — дедим, — илгаригидай ишлайверамизми ё янглик

тинчи марта ўқиятман. Зўр ёган-да! Аммо ўқиганим сари, бир нарсага шўкур қиламан: қора, кир кўнларимиз орда қолди! Мустанкимиз! Бу сўзнинг улуглигини кўраясизми?! Бугунимизни кимлар орзу қилмаган. Қодирийлар, Чўлпону Фитратлар шу кўнларимизни орзу қилганча ўтиб кетишди. Бир хил пайларда ёзувчи бўлмаганимга афсус қилиб кетаман. «Бугунги кунлар» деган роман ёзган бўлардим! Тўғри, модий томондан жиндай қийналялдим. Аммо жон чекмасанг, жонона қайда, дейдилар. Қийналмадан роҳат эришиб бўлмайди...



«Вой-бў, кўзининг катталигини...» Тохиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат-лаҳза.

Болаларга бағишланган УМР

бири. Узимча профессорни кўз олдимга келтиришга уриндим: савлатидан от хурқатининг эрташгириб ҳали артобусада кўрган бобойим, олтимиш ёшли, барно йигит кириб келди!

қўлим, бир марта оғим синган. Даволашди. Мана ҳозир кўриб турибсиз, боксга, рақсга, мусиқага зўр тушаман. — Сизни бошқа шифокор даволаган-да! — дедим қитмирлигим тутиб.

қиламизми?» «Янглик қилайлик!», дейишди бир овоздан. Ана шу, этни ёрмасдан ташқаридан мослама қўйиб, суякларни ўрни-ўрнига жойлаштириш усулини бошлаб юбордик. Натижалар аъло бўлди. Этни ёриб, суякларни териб операция қилганимизда жароҳат қирқ-эллик кунда би-тарди. Бизнинг усулимизда беморлар ўн олти-ўн саккиз кунда жароҳатдан буткул кутуладиган бўлишди. Усулимиз оммалашиб бутун республикага ёйилиб кетди.

Хонада уч бемор, уч энага. Бирини отта минаман деб оғзини синдирган — чавандоз, иккинчисини дарахта чиқиб кўлини синдириган шафтолихўр. Учинчисини, ўзимиздан — футболчи. Ҳаммалари қилт этмай ётишди-ю, аммо хўрсандлар. Оғриқ йўқ-да.

Афсуски, уйлаганларимнинг бари тескари чиқди. Эшикдан уч-тўрт шогирдларини эрташгириб ҳали артобусада кўрган бобойим, олтимиш ёшли, барно йигит кириб келди!

Ха тўғри, бошқа шифокор даволаган. Ю. Вагулин эди. Эшитгандирсиз, бу номни! Жуда зўр жарроҳ эди. Тақдирини қаранг, Тошкент медицина институтини тамомлаган, яна шу кишининг кўлига бориб тушдим. Етти йил илладим. Фан номзодлигини ҳимоя қилганимдан кейин устозим профессор Ойил Шокиров шу ерда ишлайсан, деди. Тошкентда қолиб кетдик. Қирқ йил бўлибди-ю, шу соҳада ишлаганимга. Айтишга осон-а? Аммо болалар билан ишлашни яхши кўраман. Уйимга ҳам боришаверади, бу ерда ҳам келишаверади. Меҳронамда ўтирсан, ўша ерда ҳам дараклаб ўтишаверади.

«Узр, ишнинг шунақа! — Раҳмонберди ака уридан кўзгалди. — Ҳа, айтганча, қаерда ишлайсиз? — хонадан чиқаётиб бир дам тўхтаб сўради. Узимни таништирдим. — Ие, ёзувчининг олдига ёзувчиликка даъво қилибмиз-ку! — деди қулиб. — Ёзувчилар ҳақида ёмон гап айтиб юбордим шекили-а? Аммо мен айтган гапларни ёзиб юрмай, мақтанчоқ экан дейишди. Уйилгани кўргани келганда эсингиздан чиқиб қолмайлик, ёзувчилар билан гаплашишни яхши кўраман!»

ҲИКМАТ

Ким агар дўстлар билан яқдил бўлур, Барча мақсуди анинг ҳосил бўлур.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли НЕЙРОХИРУРГИЯ ИЛМИЙ МАРКАЗИ КЛИНИК ОРДИНАТУРАГА 2001-2002 ўқув йили учун 14.00.28 - нейрохирургия ихтисослиги бўйича (2 ўрин) танлов эълон қилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИГА 2001-2002 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ

Академияда 4 та факультет фаолият кўрсатади:

- а) банк иши факультети; б) молия факультети; в) солиқ иши факультети; г) банк, молия ва солиқ раҳбар кадрларининг малакасини ошириш факультети.

Мутахассислар тайёрлаш, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш кундузги таълим шаклида амалга оширилади.

Банк иши, молия ва солиқ иши факультетларида юқори малакали мутахассислар қуйидаги йўналишлар бўйича тайёрланади:

- а) банк иши факультети: пул муомаласи ва монетар сийсат; инвестицион лойиҳаларни комплекс экспертиза қилиш ва молиялаштириш; банк менежменти, актив ва пасивларни бошқариш; халқаро молия бозорларидаги операциялар; банк аудити; б) молия факультети: давлат молиясини бошқариш; қимматли қозғалар ва фонд бозори; сугурта иши; молия аудити; в) солиқ иши факультети: солиқлар ва солиққа тортиш.

Ушбу факультетларга тингловчилар фақат олий маълумотга эга бўлган ва республика банк, молия ва солиқ муассасаларида камидан икки йиллик иш стажига эга бўлган шахслардан танлаб олинади. Назарий ўқув курсини муваффақиятли тугатган тингловчилар Ўзбекистон Республикаси ва чет эллардаги етакчи банк, молия ва солиқ муассасаларида тажриба орттириш учун юбориладилар ва танланган ихтисослиги бўйича магистр унвони олиш учун диссертация ҳимоя қиладилар.

Академиянинг ўқув дастурини тўлиқ муваффақиятли ўтиб бўлган битирувчиларга белгиланган давлат намунасидаги магистр дипломи берилади.

Академиянинг малака ошириш факультетига тингловчилар банк-молия ва солиқ тизимининг амалиётчи раҳбар ходимларидан қабул қилинади. Ҳар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 2 майдаги Фармонида мувофиқ академия фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари халқаро банк ва молия ишларидаги энг янги ютуқларни ўқитиш бўли билан банк, молия ва солиқ ишлари бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, банк-молия тизими раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, мамлакатимизнинг молия-кредит ва солиқ тизимини ривожлантириш соҳасида фундоментал ва амалий тадқиқотларни амалга оширишдан иборатдир.

Академия Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётини ривожлантиришнинг замонавий талаблари

муддати 3 ойгача бўлиб, банк-молия ва солиқ ишлари бўйича асосий курсларни ўтиш, шунингдек етакчи банк, молия ва солиқ муассасаларида тажриба орттириш ҳам шунга кирилади. Малака ошириш факультетини битирганларга белгиланган нусхадаги гувоҳнома берилади.

Академияда ўқишни муваффақиятли битирган тингловчилар орасидан республика банк, молия ва солиқ муассасаларида раҳбарлик лавозимларига тавсия этиш учун резерв тузилади. Академияни юқори рейтинг кўраёткичлари билан битирганлар молия, банк ва солиқ тизимлари учун бошқарув бўлини раҳбар кадрларини танлашда имтиёзли ҳуқуққа эга бўладилар.

ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ

1. Академияга тингловчилар қабул комиссияси

ҳамда давлат таълим андозалари, жаҳон ва миллий банк-молия фани ва амалиёти ютуқларини ҳисобга олиб, ишлаб чиқилган режа ва дастурлар асосида ўқув ва таълим фаолиятини амалга оширади.

Академиядаги чет тилларни ўрганишнинг чуқурлаштирилган ўқув ва факультатив дастури тингловчиларнинг таълим тугалланганда чет тилларидан бирини амалда тўлиқ билшиларини таъминлайди.

Ўқув жараёни, илмий ва амалий тадқиқотларни юксак даражада ташкил этиш ва олиб бориш учун етакчи халқаро молия институтлари ва жаҳон тижорат банкларининг маслаҳатчилари, экспертлари ва мутахассислари жалб этилади.

томонидан қабул қилинади. Қабул комиссиясининг таркиби Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк ва Ўзбекистон банклари ассоциацияси билан келишилган ҳолда академия ректорининг томонидан тасдиқланади.

2. Академия белгиланган ўринлар кватрасига мувофиқ банк иши факультетига 40 та, молия факультетига 40 та, солиқ факультетига 20 та тингловчини қабул қилади.

3. Ҳужжатлар 2001 йил 4 сентябрда қабул қилинади. Қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

- банк, молия, солиқ муассасалари раҳбарларининг тавсия-иштимосномаси; - тавсия этилганнинг магистратура ихтисослиги кўрсатилган аризаси; - олий маълумот ҳақидаги дипломнинг асл нусхаси ва баҳолар иловаси; - кадрларни ҳисобга олиш шахсий варақаси; - меҳнат дафтарида кўчирма;

№ 086 шаклидаги тиббий маълумотнома;

4x6 см. ўлчамли 6 дона рағали фотосурат.

Паспорт ва ҳарбий хизматга муносабати тўғрисидаги ҳужжат бевосита кўрсатилади.

4. Академиянинг банк иши, молия ва солиқ иши факультетларига кирувчилар учун 2001 йил 5 сентябрдан 9 сентябргача кириш имтиҳон-синовлари юзасидан консултантлар уюштирилади.

5. Имтиҳон синовлари 2001 йил 10 сентябрдан 18 сентябргача компьютер тести ва сўхбат орқали ўтказилади. Тест синовлари муайян ихтисослик ва фанлар блоклари бўйича ўтказилади:

а) банк иши факультети учун: бозор иқтисодиёти асослари, банк ҳуқуқи, банк иши, пул муомаласи, халқаро валюта-кредит муносабатлари, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, банк менежменти ва маркетинг;

б) молия факультети учун: бозор иқтисодиёти асослари, молия ҳуқуқи, молия ва кредит, молиявий менежмент, қимматли қозғалар бозори ва биржа иши, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, сугурта иши;

в) солиқ иши факультети учун: бозор иқтисодиёти асослари, солиқ ҳуқуқи, молия ва кредит, корхона ҳўжалик фаолиятининг таҳлили, солиқлар ва солиққа тортиш, бухгалтерия ҳисоби.

Академияга кирувчилар демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти асослари бўйича тест синовларидан ҳамда чет тиллардан сўхбатдан ўтадилар. Тест ўзбек ва рус тилларида ўтказилади.

6. Конкурс танлови академиянинг қабул комиссияси томонидан рейтинг тизими бўйича тест синовлари ва сўхбат натижалари асосида (ихтисослик йўналиши ва ўқитиш тиллари бўйича алоҳида) ўтказилади.

7. Ҳар бир тингловчиларнинг асосий иш жойларидаги ўртача иш ҳақлари сақлаб қолинади. Бошқа шахарлардан келганларнинг йўл ҳақларини, шунингдек, ётоқхона ҳақини йўлданма берган ташкилотлар тўлайди.

Хорижий тингловчилар шартнома (битим) асосида ўқитилади. Шартнома (битим) тузиш шартлари, ўқиниш учун тўлов ҳақининг миқдори ва муддатлари академиянинг қабул комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Банклар асоциацияси билан келишилган ҳолда белгиланади.

8. Қабул комиссиясининг қарори 2001 йил 22 сентябрдан кечикмай эълон қилинади ва у тингловчиларнинг ўқишга қабул қилингани тўғрисида буйруқ чиқаришга асос бўлади.

9. Ҳар бир тингловчи 2001 йил 2 октябрдан бошланади.

Манзил: Тошкент шаҳри, А. Қанонов кўчаси, 16. Тел.: 68-66-84, 68-12-86.

«ХАЛҚ СЎЗИ» НАРОДНОЕ СЛОВО. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ. Таҳрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳаммадиев, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И. Худойёров, И. Шогудомов, О. Қанпбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. Ҳошимов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001. Бюроғи Г — 2615. 20397 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Газета IBM компьютерда терилди ва операторлар Жамнага Тоғиев ва Зоир Болтаев томонидан саҳифаланди. Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зىёла материаллар қабул қилинмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орипов. Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров. Навбатчи — О. Ражабов. Мусоҳаҳ — А. Эшқулов. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00